

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 15 апрель, № 75 (8418) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари ва истиқболларига оид тақдимот билан танишди.**

Маълумки, Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тузилмадир. Дунё савдосининг 95 фоизи унга аъзо 164 та мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Ташкилотнинг асосий вазифаси — эркин ва шаффоф савдо муносабатларини тартибга солиш ва уни кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилаш ҳисобланади. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мақсадига тўлиқ мос келади.

Илгари мамлакатимиз экспортининг ярми пахта толасига тўғри келарди. Унинг экспортидан тўлиқ воз кечилгандан кейин, тайёр кийим-кечак экспорти 4 баравар кўпайди. Ўтган йил натижаларига кўра, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 3 миллиард 300 минг долларни ташкил этди. 2021 йилда Ўзбекистон GSP+ тизимига қўшилгани натижасида Европа бозорига тайёр маҳсулот экспорти 1,5 баравар ошди.

Ташқи савдода тайёр маҳсулот экспортини кўпайтиришда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар очади. Шу боис Ўзбекистон 2019 йилдан бу халқаро тузилмага аъзолик жараёнини янгидан бошлаган эди. Ўтган даврда бу мақсад сари дадил қадамлар қўйилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш шартлигини таъкидлаб, бунинг иқтисодий аҳамиятига тўхталди.

— Келгуси уч йилда тайёр маҳсулот экспортини 2 баравар оширишни режа қилганмиз. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли — Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш. Бу 164 та давлат билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларни яратиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ўтган йилги Мурожаатномасида бу жараённи жадаллаштириш ҳақида айтган эди. Шу мақсадда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо 50 дан зиёд давлатлар билан икки томонлама музокаралар олиб борилди. Бу жараён бўйича жорий йилнинг март ойида Жаҳон савдо ташкилотида ишчи гуруҳнинг олтинчи йиғилиши ўтказилди.

Давлат раҳбари ҳузуридаги тақдимотда аъзо давлатлар томонидан кўтарилган масалалар муҳокама қилинди.

Жаҳон савдо ташкилотининг битимларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни унга уйғунлаштириш, тартиб ва стандартларни халқаро талабларга мослаштириш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун хорижий консультантларни жалб қилиб, ишчи гуруҳларни шакллантириш, барча вазирликлар ва элчихоналар билан тизимли ишлаш зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

**Биз ва жаҳон**

## БАРҚАРОР АФҒОНИСТОН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК ТАЪМИНЛАНИШИДА ЎТА МУҲИМ ЎРИН ТУТИШИ МУМКИН

**Самарқанд шаҳрида Афғонистонга қўшни давлатлар ташқи ишлар вазирларининг тўртинчи учрашуви халқаро ижтимоий-сиёсий ва экспертлар доираларида катта акс садо берди.**

Ўзбекистон томони раислигида 13 апрель куни бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон, Эрон, Хитой, Покистон, Россия, Тожикистон ва Туркманистон Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

Форум давомида томонлар Афғонистондаги мавжуд вазият, ушбу мамлакатнинг амалдаги ҳукумати томонидан халқаро ҳамжамиятнинг асосий талабларига жавоб бериш — инклюзив ҳукумат тузиш, афғон аёлларининг меҳнат ва таълим олишини таъминлаш, миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш ва мамлакат миллий иқтисодиётини тиклашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро терроризм, гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқариш ва контрабандага қарши курашда ушбу мамлакатга қўшни давлатларнинг чора-тадбирларини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий омили сифатида Афғонистон салоҳиятини очиб беришга кўмаклашиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар Афғонистон ҳудудида қўшни давлатлар иштирокида инфратузилма ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга даъват этдилар, бу нафақат янги иш ўринлари яратишга, балки ушбу мамлакатнинг минтақавий иқтисодий жараёнларга янада фаол интеграциялашувига ёрдам беради.

Хорижий сиёсатчилар ва экспертларнинг фикр билдиришларича, ушбу формат юқоридаги ташаббусларни амалга ошириш учун истиқболли платформа ҳисобланади.



**Дариус НАСИМИ, Буюк Британиянинг “Suzani Capital” компанияси директори:**

— Афғонистон қўшниларининг Тошкентдаги 4-учрашуви Ўзбекистон ва умуман, минтақа давлатларининг 2021 йил августидан кейинги Афғонистондаги вазият билан боғлиқ мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун барча имкониятдан фойдаланишга қатъий содиқлигидан далолат беради.

Ўзбекистон минтақадаги муҳим мамлакат бўлиб, қўшни давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ўзаро тушунишни рағбатлантирувчи очиқ мулоқотни олиб бориш ва ривожлантириш учун айни муддао давлатдир.

→ 2

## ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

*Самарқанд шаҳрида 14 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Бахтиёр Саидов, Арманистон Республикаси ташқи ишлар вазири Арарат Мирзоян, Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири Сергей Алейник, Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Халаф Халафов ва Туркманистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вепа Хаджиев ҳамда МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Тор ва кенг доирадаги йиғилишларда Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон томони Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳамдўстлик доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, саноат ва технологик кооперация, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш бўйича келгусидаги саъй-ҳаракатлар муҳимлигини, рақамли трансформация, “яшил” иқтисодиёт, туризм ва ёшлар масалалари бўйича янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш долзарблигини таъкидлади.

Йиғилишда МДҲга аъзо давлатларнинг кўп босқичли Ташқи ишлар вазирликлараро Маслаҳатлашувлари режаси ҳамда 2022 йилда ташкилотга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги шерикликни кенгайтириш бўйича Ҳаракатлар дастури ижроси юзасидан ахборот эшитилди.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши ва Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар, шу жумладан, Самарқанд шаҳрини 2024 йилда МДҲнинг “Маданият пойтахти”, Тошкент шаҳрини эса “Ёшлар пойтахти” деб эълон қилиш бўйича ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

2023 йилда Беларусь Республикасининг Минск шаҳрини, 2024 йилда эса Арманистоннинг Гюмри шаҳрини МДҲнинг “Спорт пойтахти” деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

→ 3

## «ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ» ПАРАДИГМАСИГА АСОСЛАНГАН БОШ ҚОМУС

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларида бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг моҳияти, унга киритилаётган янги нормаларнинг аҳамиятини тушунтиришга бағишланган тадбирлар ва учрашувлар ўтказди.*

### Учрашув

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, ҳоким ёрдамчилари, тиббиёт ва таълим соҳаси ходимлари, фермерлар, тадбиркорлар, ёшлар етакчилари, маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ОАВ ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирларда Конституциямиздан ўрин олаётган янги демократик қоидалар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида кенг ахборотлар берилди.

Тадбирларда сўзга чиққанлар янгиланаётган Конституция “инсон — жамият — давлат” парадигмасига асосланганини, унда барча тоифалар — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари белгиланганини, халқимизнинг фикри, хоҳиш-иродаси акс эттирилганини, кейинги йилларда юртимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг руҳи ифодланганини, энг асосийси, инсон ҳимояси ва қадрини баён қиладиган муҳим ҳужжат эканини қайд этдилар.

→ 2

## ТАРҚОҚ НОРМАЛАР ЯГОНА ҚОНУНГА БИРЛАШТИРИЛАДИ

*Янги Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда халқимиз томонидан бевосита қабул қилинадиган янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор барча фуқаролик жамияти институтларининг мақоми мустаҳкамлаб қўйилмоқда.*

### Нуқтаи назар

Чунончи, амалдаги Конституциянинг XIII боби ва 56-моддасидаги “жамоат бирлашмалари” тушунчаси ўрнида “Жамият — ислоҳотлар ташаббускори” деган эзгу ғоя асосида “фуқаролик жамияти институтлари” тушунчаси белгиланмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 69-моддасига кўра, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Демак, ҳозирги кунда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тарқоқ ҳолда белгиланган фуқаролик жамияти институтларига оид нормалар ягона қонунга бирлаштирилади ҳамда улар фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилади.

→ 2

**Давра суҳбати**

## ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАГА МОС

*Кеча Наманган вилоятида “Давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимини янада ислоҳ этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.*

*Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, халқаро экспертлар, олимлар, судьялар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.*

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳасида туб ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга ошириляпти. Хусусан, манзилли ижтимоий ҳимоя тизими яратилди, иқтисодиёт эркинлашиб, хусусий мулк эгалари кўпайди, накд пул, валюта муаммолари ҳал қилинди, қўшни мамлакатлар билан орамиздаги муносабатлар яхшиланди, парламентаризм ва суд-ҳуқуқ соҳасида демократик ўзгаришлар бўлди.

Янгиланаётган Конституциямизда мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон “суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат” эканлиги ҳамда ушбу принципиал қоидаларни ўзгартириш мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур конституциявий қоидалар замирида мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, келажак авлодларга озод ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатлари кўзланган ислоҳотлар йўлидан ортга қайтмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам бўлиб, улар давлатчиликнинг тамал тошлари сифатида мустаҳкамланмоқда.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, янгиланаётган Бош қомусимиз халқпарвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Давлат ҳокимияти тизими ягона ва яхлит бўлиб, ҳокимиятнинг бир бўғинини модернизация қилиш унинг бошқа тармоқларида ҳам ислоҳотларни тақозо этади. Шунга кўра, тармоқлар ўртасида бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган маъмурий ислоҳотларнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, парламентнинг юқори палатаси — Сенат ҳамда Қонунчилик палатасининг ваколатлари кучайтирилмоқда. Яъни икки палата ишидаги такрорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланмоқда. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага кўпаймоқда.

Хусусан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатаси раисининг ҳисоботини эшитиш каби муҳим ваколатлар бевосита Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари этиб белгиланмоқда. Киритилаётган ушбу ўзгартишлар қуйи палатанинг вакиллик табиатига ва илғор хорижий тажрибага тўлиқ мос келади.

Сенат ваколатига эса Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раҳбарларини сайлаш, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси лавозимларига номзодларни маъқуллаш, элчиларимизнинг ҳисоботларини эшитиш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш каби ваколатлар киритилмоқда. Бу каби ўзгаришлар Сенатнинг назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва махсус хизматлар устидан назорат функцияси кучайтирилаётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича йиллик миллий маърузани эшитиш, давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш, парламент текширувини амалга ошириш каби муҳим ваколатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киритилмоқда.

→ 2

**Марказий сайлов комиссиясида**

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОВОЗ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ

*Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибидан Ўзбекистон Республикасининг референдуми даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини сақлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ комиссиялари раисларининг ахборотлари тўғрисидаги масалалар ўрин олди.*

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси референдуми даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар муҳокама қилинди, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия бўлинмаларининг бу йўналишдаги қатор вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумида ногиронлиги бўлган шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирлар юзасидан қарор қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш бюллетенини тўлдириш учун Брайль алифбоси асосида тайёрланадиган трафарет намунаси ва тавсифи тасдиқланди ҳамда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи овоз берувчи фуқаролар референдум бюллетенида ўз хоҳиш-иродасини мустақил ифода эта олишлари учун ҳар бир референдум участкаси трафарет билан таъминланиши белгиланди.

→ 2

## СУРХОНДАРЁ «ЖАНУБ ГАВҲАРИ»ГА АЙЛАНАДИ



***Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ҳар галги ташрифини ҳудуд аҳолиси орзиқиб кутади. Чунки ташриф чоғида белгилаб бериладиган вазифалар ва шу асосда амалга ошириладиган ислоҳотлар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тубдан ўзгартириб, одамларнинг бугунги кунидан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.***

**Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар**

*Давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 март кунги ташрифи ҳам воҳа аҳли учун тарихий воқелик бўлди, десак, айни ҳақиқат. Президент вилоятга, ўз таъбири билан айтганда, катта маблағ билан келди. Ҳудуд тараққиётини янги босқичга кўтарадиган ташаббуслар, истиқболли лойиҳалар одамлар қалбига қувонч индирди, руҳини янада кўтарди.*

*Шавкат Мирзиёев ташриф давомида воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар, инсонлар ҳаётини ўзгартираётган янгиланишлар билан танишди. Янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналарнинг тантанали очилиш маросимларида иштирок этиб, вилоят фаоллари билан учрашди. Ҳудудларни янада юксалтиришнинг, халқ турмуш даражасини оширишнинг келгусидаги йўналишларини белгилаб берди. Буларнинг барчаси яқин йилларда ҳам аграр воҳа ҳисобланган вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожланган, саноатлашган, осуда ва обод ҳудудга айлантиришга хизмат қилади. Қисқача айтганда, Сурхондарёни “жануб гавҳари”га айлантиради.*

→ 4

# «ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ» ПАРАДИГМАСИГА АСОСЛАНГАН БОШ ҚОМУС

1 Учрашув ва мулоқотларда аҳоли янгиланаётган Конституцияни синчиклаб ўқигани, унда инсон манфаатига хизмат қиладиган нормалар акс этаётганини урғулаб, референдум кўтаринки руҳда ўтказилиши маълум қилинди.

**Мойра ТОШЕВА, Бухоро шаҳридаги «Шайхулолам» МФЙ раиси:**

— Конституциявийислоҳотлар доирасида фуқаролар билан яқиндан алоқалар олиб борилаётгани бизни қувонтирмоқда, бу — чинакам халқ Конституцияси. Уни тайёрлашнинг ҳар бир босқичи халқ билан биргаликда амалга оширилди. Биз парламент депутатларининг янгиланаётган Конституция матнига киритиш бўйича таклифлар тўплаган босқичида фаол иштирок этдик ва албатта, унинг референдумда қабул қилиш босқичида ҳам фаол қатнашамиз.

**Иброҳим ТЎХЛИЕВ, «Иброҳим Тўхли» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мен қишлоқ хўжалиги соҳасида 40 йилдан бери фаолият юритиб келмоқдаман. Янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниши билан ер эгалари ва ерда ишлайдиганларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинади, янги имкониятлар эшиги очилади. Ва албатта, Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишлар ортида инсон қадри, уни эъзозлаш, ҳаётдан, давлатдан рози қилиш йўлидаги олий мақсадлар турибди.

**Мастура ШОДИЕВА, Когон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси:**

— Бугун юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчиларга эътибор тубдан ўзгарди, эъзозу ҳурмат қайтди. Ойлик маошларимиз доимий ошириб борилмоқда. Хусусан, олис ҳудудлардаги мактабларда фаолият кўрсатаётган фидойи ва жонкуяр ўқитувчиларга қўшимча 100 фоиз устама тўлаш тартиби жорий этилди. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар туфайли мактаб, таълим масаласи умумхалқ ҳаракатига айланди, ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми юксалди. Янгиланаётган Конституцияда белгиланаётган нормалар билан ўқитувчиларнинг шаъни, қадр-қиммати янада улуғланади.

**Анора БОБОМУРОДОВА, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати:**

— Мамлакатимизнинг янгиланаётган Конституцияси қабул қилиниши учун барча имкониятимизни ишга солишимиз керак. Дарҳақиқат, референдумга тақдим этилган лойиҳа ўз руҳи ва мазмунига кўра давлат ваколатларини ҳимоя қилувчи эмас, балки оддий фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи ҳужжатдир.

Қабул қилиниши билан у мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун "қўлланма"га айланади, чунки унда барча ҳуқуқ ва имкониятларимиз батафсил ва замонавий тарзда баён этилган. Биз янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш масаласини ўз вақтида кўтардик. Эришилган натижаларни Бош қомус даражасида мустаҳкамлаб, келажак истиқболларини белгилаб олишимиз лозим.

Ишончим комил, муваффақиятли якунланган референдумдан сўнг Ўзбекистон ўз фуқаролари номидан ишлайдиган энг демократик ва амалий жиҳатдан қимматли Конституцияга эга давлатга айланади.

**Аксавли ТУМИШОВА, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати:**

— Олдинлари кўп мактабларда ўқувчилар ўқув йилининг асосий қисмини синф хоналарида ўтириб билим олиш ўрнига далада ёки пиллахонада катталар билан баравар меҳнатда ўтказишарди.

Ачинарлиси, ҳали суяги қотмаган болалар ўзидан катта фартукларга пахта тўлдириб, нимжон елкаларида кўтаришарди. Бир томондан дарслар ўлда-жўлда, иккинчи тарафдан болаларнинг соғлиғига зиён бўларди.

Янгиланаётган Конституциямизга мувофиқ, энди болаларнинг саломатлиги, хавфсизлиги, жисмоний ҳамда ақлий ривожланишига зарар келтирадиган, таълим олишига халақит берадиган мажбурий меҳнат мутлақо тақиқланади.

**Муҳиба БОБОБЕКОВА, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати:**

— Бир неча йиллар илгари ўғлим Тошкент давлат юридик университетини битириб, пойтахтда ишлашни хоҳлаган вақти "прописка" масаласи кўндаланг бўлди. Бу эса ўғлимнинг келажагига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатди.

Президентимизнинг сиёсий иродаси билан "прописка" билан боғлиқ муаммо йўқ бўлди. Янгиланаётган Конституция билан энди бу масалага охирги нуқта қўйилади. Юртдошларимиз Ўзбекистон бўйлаб бемалол ҳаракатланиш, ўзи истаган жойида яшаш, уй-жой сотиб олиш ҳуқуқига эгалиги алоҳида мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

**Улуғбек СУВОНОВ, Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ аҳоли саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. Натижада бирламчи тиббий-санитария ёрдами, шошилинч тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тармоғини ўз ичига олувчи тиббиётнинг уч босқичли миллий модели яратилди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва қулайлиги ошди.

Энг муҳими, янгиланаётган Бош қомусимизда аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши ўз аксини топаётгани аҳолининг барча қатламини бирдек хурсанд қилиши билан бирга, фуқаролар соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**«Халқ сўзи».**

# БАРҚАРОР АФҒОНИСТОН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК ТАЪМИНЛАНИШИДА ЎТА МУҲИМ ЎРИН ТУТИШИ МУМКИН

1 Ишончим комилки, Афғонистоннинг 2021 йилда яратилган қўшни давлатлар механизми Афғонистон қўшнилари ўртасида консенсус ва келишувга эришиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда тўртинчи учрашувнинг ўтказилиши ушбу механизм барқарорлигидан далолат бергани баробарида, доимий мулоқот ва шериклик учун ишончли замин яратади. Иштирокчи давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, минтақавий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш учун янада қулай муҳит яратиши мумкин, бу эса пировардида Афғонистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси халқларининг ҳаётига фақат ижобий таъсир кўрсатади.

**Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университети профессори, Испания Шарқшунослар ассоциацияси Бош котиби:**



— Шу кунларда Самарқандда рўй берган воқеалар, шубҳасиз, фақат бирлаштирувчи характерга эга. Хусусан, Афғонистонга қўшни давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви, шубҳасиз, ушбу мамлакатдаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш мақсадини кўзлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро хавфсизликни таъминлаш мақсадида Афғонистонда тинчликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбари Афғонистоннинг минтақалараро иқтисодий жараёнларга қўшилиши муҳимлигига бир неча бор эътибор қаратгани ҳолда Афғонистон иқтисодиётининг тикланиши бу мамлакатда мустаҳкам тинчликка эришишнинг муҳим шартларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Умуман олганда, Ўзбекистон сўнгги беш йил ичида МДҲ форматида ҳам, Марказий ва Жанубий Осиё форматида ҳам ўз фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатидаги очиқлик сари рўй бераётган туб ўзгаришлар шароитида, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш нуқтаи назаридан шу кунларда Самарқандда бўлиб ўтган учрашувлар форматлари ҳам миллий, ҳам минтақавий манфаатларни илгари суриш учун яхши имконият яратади. Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро тузилмалардаги иштирокининг кенгайиши тенденцияси, ишончим комилки, унинг минтақавий ташкилотлардаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун яхши туртки беради.

**Яҳё МАРҒИЛОНИЙ, Жидда шаҳридаги афғонистонлик тадбиркор:**



— Сўнгги йилларда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Афғонистон масаласига бағишланган қатор конференция ва учрашувларнинг ўтказилиши Ўзбекистон ҳукуматининг афғон халқи тақдирига бефарқ эмаслигини яққол намоён этмоқда.

Ана шундай муносабатнинг мантиқий давоми ўлароқ, 13 апрель куни Самарқандда Афғонистонга қўшни давлатлар вазирлари конференциясининг ўтказилгани, шубҳасиз, таҳсинга сазовордир.

Шу ўринда Самарқанд учрашувида ташқи ишлар вазирлари қатнашган Ўзбекистон, Россия, Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон давлатларининг Афғонистон хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиёти юзасидан фикрлар муштарак эканлиги тасдиқланганини қайд этиш жоиз.

Хусусан, Самарқанд конференцияси иштирокчилари Афғонистонни сиёсий тартибга солишга кўмаклашиш, ушбу мамлакатдаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, минтақавий иқтисодий интеграцияни ривожлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширишни кўриб чиқдилар.

Умуман олганда, мана шундай тадбирларнинг ташкил этилиши томонлар ўртасида конструктив мунозара юритиш учун шарт-шароит яратиш ва Афғонистоннинг янги ҳокимияти билан прагматик мулоқот ўрнатиш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Афғонистон халқаро тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикасининг улкан ўрни бор.

Бундан ташқари, 14 апрель куни Самарқандда "Россия — Марказий Осиё" форматидаги ташқи ишлар вазирлари йиғилишининг ўтказилиши Москванинг ушбу минтақа давлатлари билан алоқаларининг янада мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Бунда минтақада яхши қўшничилик муносабатларининг жипслашиши ва мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитининг яратилиши йўлида Ўзбекистоннинг нақадар муҳим ўрни мавжудлигини кўриш мумкин.

**Омар НЕССАР, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, Замонавий Афғонистонни ўрганиш маркази директори:**

— Афғонистон ўткир гуманитар муаммоларни бошдан кечирмоқда. Улар табиатан мураккаб. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гуманитар ишларни мувофиқлаштириш идораси 2023 йилда афғон аҳолисининг учдан икки қисми шошилинч гуманитар ёрдамга муҳтож бўлишини тахмин қилмоқда.



Юқорида қайд этилган муаммолар Афғонистон иштирокида минтақа учун энг муҳим иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш нафақат Афғонистоннинг амалдаги расмийларидан ички саъй-ҳаракатларни, балки минтақани бирлаштиришни ҳам талаб қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Самарқанд саммити минтақа мамлакатлари учун "соатлари"ни тўғрилаб олиш, фикр алмашиш ва мавжуд вазиятни таҳлил қилиш учун яхши имкониятдир. Лекин энг муҳими, менинг фикримча, Самарқанддаги учрашув Кобулга, биринчидан, афғон муаммоси минтақавий сиёсат кун тартибидан олиб ташланмагани, иккинчидан, Кобулдаги амалдаги ҳокимиятларга, биринчи навбатда, экстремизмга қарши курашиш ва афғон реаллигига жавоб берадиган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича ўз мажбуриятларини яна бир бор эслатиши мумкин.

**«Дунё» АА.**

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОВОЗ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ

1 Ногиронлиги бўлган овоз берувчи фуқароларга қулай бўлиши учун овоз бериш жараёнларини бинонинг биринчи қаватида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиши, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш орқали референдум ташвиқотини олиб боришда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эҳтиёжларини инобатга олиш таъкидлаб ўтилди. Имконияти чекланган овоз берувчи фуқаролар референдум участкаларида референдумга оид маълумотлар, плакатлар билан танишиши ҳамда ўзлари лозим деб топган вариант учун эркин, тўсиқларсиз ва яширин овоз беришига шароит яратилиши қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорга мувофиқ 144 нафар маҳаллий ҳамда 11 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитация қилинди. Умумий ҳисобда аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг сони 651 нафарни ташкил этмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, мажлис давомида референдум ўтказувчи 2-Андижон, 11-Фарғона округ комиссиялари раисларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий даражада ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлари хусусида ахборотлари тингланди.

**«Халқ сўзи».**

# ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАГА МОС

1 Шу билан бирга, қонун Сенат томонидан олтмиш кун ичида кўриб чиқилиши белгиланмоқда. Агар Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида олтмиш кун ичида бир қарорга келмаса Қонунчилик палатаси томонидан қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилиши назарда тутилмоқда.

Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган тадбирда айтиб ўтилганидек, марказда ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қатъий тартиб-интизом, масъулият, натижадорликни кучайтириш мақсадида, шунингдек, илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, Бош вазир номзодини Президент Қонунчилик палатасига киритиб, халқ вакиллари маъқуллагандан сўнг лавозимга тайинлаш тартиби жорий этилмоқда.

Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига тақдим қилишдан олдин Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш назарда тутиляпти. Мазкур янги нормалар билан барча сиёсий партиялар фракцияларининг нафақат Бош вазир номзодини кўриб чиқиш, балки бутун Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки таъминланади.

Янгиланаётган Конституцияга мувофиқ, ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари ва функциялари, уларнинг олдида турган барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва бошқа соҳалардаги вазифаларни бажаришдаги жавобгарлиги сезиларли даражада кенгайтириляпти.

Шунингдек, Ҳукумат зиммасига ижро этувчи ҳокимият органлари ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва натижадорликни таъминлаш, давлат хизматларининг сифати ва қулайлигини ошириш, аҳолини, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатиляпти. Илк маротаба Конституцияда барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш амалиёти тугатилиб, Кенгашларга ҳокимдан мустақил бўлган алоҳида Кенгаш раиси раҳбарлик қилиши белгиланмоқда. Эндиликда вилоят ва туман (шаҳар)да халқ сайлаган депутатлар ҳоким фаолиятини бевосита ва холисона назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Суд органлари соҳасидаги конституциявий ўзгартишлар судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбир иштирокчиларининг айтиб ўтишича, судлар фаолияти мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, судьялар дахлсизлиги ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича киритилаётган ўзгартишлар одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш учун муҳим кафолат бўлади.

Судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан бўлиши ва у одил судловни тўлиқ, мустақил уддалаш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги конституциявий норма чинакам адолатли ва мустақил суд тизимини шакллантириш, судларнинг холислигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Судьялар дахлсиз ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, давлат судьянинг ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, фуқароларга суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси учун янги механизм ҳисобланади.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлашича, янгиланаётган Конституция "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамиятининг жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос яратади.

**«Халқ сўзи».**

**Сенатор ва ҳаёт**

# РЕФЕРЕНДУМ ВА ЁШЛАР

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов, сенаторлар Толибжон Мадумаров ва Матлубахон Ғаниева Андижон давлат университетида "Референдум — 2023: келажагинг учун овоз бер!" шиори остида ўтказилган "Референдум ва ёшлар" учрашувида иштирок этди.*

Тадбирда мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган кенг имконият ва қулайликлар ҳамда бу амалда қандай самара бераётганлиги ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилди. Айни чоғда янгиланаётган Бош қомусимиз ва бунинг ўзига хос аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 52-моддасига асосан, эндиликда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ва бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланаётганига алоҳида урғу қаратилди.

Шундай мулоқотлардан яна бири Хонобод шаҳрида маҳалла фаоллари иштирокида ташкил этилди. Унда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида илк маротаба фуқаролар экологик ҳуқуқларини таъминлаш масаласи мустаҳкамланаётгани таъкидланди. Бу бежиз эмас. Ҳозирги вақтда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда экологик вазият ёмонлашаётган бир даврда бундай чора кўрилаётгани айни муддаодир. Қайд этилганидек, бундай шароитда фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятларининг Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилаётгани ғоят тўғри ечимдир.

**«Халқ сўзи».**

# ТАРҚОҚ НОРМАЛАР ЯГОНА ҚОНУНГА БИРЛАШТИРИЛАДИ

1 Фуқаролик жамияти институтларининг таркибий қисми бўлган ташкилотлар ва органларнинг асосий мақсад ҳамда вазифалари нималардан иборат, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Қуйида унга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

*Биринчидан,* нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадлар (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимланмайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

*Иккинчидан,* Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа уюшган муассасалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

*Учинчидан,* юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди ҳисобланади.

*Тўртинчидан,* шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун ва бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб ижтимоий тузилмани тушунамиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли. Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунчиликда белгиланган доирада кўмаклашади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари қонун билан белгиланади.

*Бешинчидан,* Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.



Оммавий ахборот воситалари бугун халқ овози, том маънода "тўртинчи ҳокимият"га айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг фуқаролик жамияти институтлари қаторида конституциявий даражада эътироф этилиши жамиятимизда сўз эркинлиги инсон тараққиётининг ажралмас ва муҳим омилига айланишига хизмат қилади.

*Олтинчидан,* янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 115-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг иштирок этишини таъминлайди.

Ушбу норма ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва ролини оширишга, уларнинг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Умуман, фуқаролик жамияти институтлари мақомининг конституциявий даражага кўтарилиши Президентимиз таъбири билан айтганда, бутун давлат бошқаруви тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга — "Янги шахс", "Янги фуқаролик жамияти", "Янги демократик бошқарув тизими"га олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор.**

**Ишчи гуруҳ йиғилиши**

# ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Маълумки, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасини кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган тарғибот тадбирларида иштирок этиб келмоқда.*

Пойтахтимизда ўтказилган Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмуҳамедова бошчилигида тарғибот тадбирларини самарали ташкил қилиш ишчи гуруҳи йиғилишида шу хусусда, яъни тарғибот тадбирлари қандай давом этаётгани тўғрисида сўз борди.

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибият мудирлари, масъул вазирлик, идоралар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик гуруҳи вакиллари қатнашди.

Йиғилишда янги Конституцияда ҳар бир норманинг мазмун-моҳиятини одамларга халқчил тарзда тушунтириш, айниқса, аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, тарғибот ишларини бевосита маҳаллаларда олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Тошкент шаҳри аҳолиси учун долзарб бўлиб келган "снос"лар масаласи ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, янги Конституцияда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши кафолатланаётгани таъкидланди.

Йиғилиш сўнгида ишчи гуруҳнинг тарғибот режаси ва йўналиши белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## хорижлик экспертлар ва оммавий ахборот воситалари нигоҳида

*Айни пайтда мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари ва академик ҳамжамияти вакиллари халқаро ҳамда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги тажрибасини ўрганишга қаратилган қатор учрашувлар, давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказилмоқда.*

*Хусусан, "Конституциявий ислоҳотлар ва ижтимоий давлат қуриш" мавзуидаги Ўзбекистон — Қозоғистон давра суҳбати ҳамда "Конституциявий ислоҳотлар: Ўзбекистон ва Покистон тажрибаси" Ўзбекистон — Покистон давра суҳбати, "Конституциявий ислоҳотлар: Ўзбекистон ва Ҳиндистон тажрибаси" Ўзбекистон — Ҳиндистон давра суҳбати шулар жумласидандир.*

*Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти ҳамда Барқарор ривожланиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирларда хорижий экспертлар ўз муносабатини билдирди.*

*Мухбиримиз улардан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.*

### Муносабат



**Санжай Кумар ПАНДЕЙ, Жавоҳарлал Неру университети профессори (Ҳиндистон):**

— Конституциявийлик шахс эркинлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллиги, парламентаризмни мустаҳкамлаш каби демократик тамойилларнинг амалга оширилишига қаратилган ўзига хос фалсафа, мафкурадир. Буларнинг барчаси инсон қадри юксалишига устувор аҳамият берилиши ҳамда давлатнинг уларга тажовуз қилмаслигининг кафолати, десак, муболаға бўлмайди.

Лекин Конституция ўзгартириб бўлмайдиган ҳужжат эмас. Бунда жамиятдаги ўзгаришлар, шунингдек, аҳоли орзу-интилишлари акс этиб туриши керак. Бу борада Ўзбекистонда ҳам халқнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, бошланган конституциявий ислоҳотлар мамлакат равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Умид қиламизки, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси бўлажак умумхалқ референдумида қабул қилиниб, янги Ўзбекистон — инсонпарвар демократик ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, очиқ ҳамда адолатли жамият барпо этишга хизмат қилади.

**Данара КУРМАНОВА, журналист, халқаро эксперт (Қозоғистон):**

— Бугунги дунёда ногиронлиги борларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш давлатнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кўрсаткичидир. Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрирда таклиф этилаётган лойиҳасида давлатнинг асосий қадрияти инсон эканини кўриш мумкин.

Хусусан, 57-моддада "ногирон" деган сўзни учратамиз. Яъни ушбу моддада меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Қолаверса, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ҳамда хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиши, зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлашни кафолатлаяпти.

Эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борадаги глобал ўзгаришларни ажратиб кўрсатишга арзийдиган ишлар бажарилмоқда. Булар БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилингани, муҳим сиёсий жараёнларда бюллетенлар Брайль алифбосида тайёрланаётгани, сайлов участкалари яқинида пандуслар ташкил этилгани ногиронлиги бўлган шахслар ҳам мамлакат ҳаётида фаол қатнашиш ҳуқуқини амалда таъминлаяпти.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири лойиҳасидаги "ногиронлиги бўлган шахс" деган ибора ҳам халқаро андозаларга тўлиқ мос келади.

**Тоҳир ФАРУК, "Daily Ittehad" газетаси бош муҳаррири, Покистон газеталари муҳаррирлари кенгаши вице-президенти:**

— "Daily Ittehad" газетаси Ўзбекистондаги воқеаларни мунтазам кузатиб боради. Мамлакатингизга кўп маротаба ташриф буюриш ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги жадал тараққиётни кўриш шарафига муяссар бўляпман. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббус ҳамда халқчил ислоҳотлар ўз самарасини бериб, Ўзбекистон равнақи, барқарорлиги ҳамда тараққиётини таъминлаяпти, дейишимизга асослар етарли.

Мамлакат бош ҳужжати, яъни Конституциясига замон талаблари ва глобал жараёнлардан келиб чиқиб, фуқароларнинг истаклари асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши нормал ҳолат.

Дейлик, Покистоннинг 1973 йилги Конституцияси сўнгги эллик йил ичида 27 марта ўзгартирилган. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки ҳар қандай давлатнинг Конституцияси динамик ҳужжат бўлиб, унга фуқароларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига жавобан ўзгартишлар киритилади.

Бугун биз Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш жараёни қандай кечаётганига очиқ ва тўлақонли тарзда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ушбу муҳим сиёсий жараёнларда хорижлик экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

←1 Йиғилиш иштирокчилари имконияти чекланган болалар ўртасида МДҲ давлатларининг спартакиадаси тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилдилар. Мазкур спорт мусобақаларини ҳар тўрт йилда бир марта, қишки ва ёзги спорт турлари бўйича алоҳида ўтказиш режалаштирилган. Биринчи мусобақаларни 2024 йилда қишки спорт турлари бўйича, 2026 йилда ёзги спорт турлари бўйича ўтказиш таклиф қилинди. Спартакиадага Паралимпия ва Сурролимпия (дефлимпия) спорт турлари бўйича спорт мусобақалари киритилади.

Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Россия Халқлар дўстлиги университетига Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг журналист кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича асосий олий ўқув юрти мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилишини 2023 йил 12 октябрь куни Қирғиз Республикасининг Бишкек шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишдан сўнг ўтказилган брифингда МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги мажлиси юксак савияда ўтгани, ташкилот истиқболи ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги турли соҳаларга оид алоқаларни янада ривожлантириш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлади.

— Кейинги йилларда ташкилотимиз ишини янада ривожлантириш ва аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон фаол қатнашаётганини алоҳида қайд этишни истардим, — деди С. Лебедев. — Айниқса, сўнгги икки йилда йирик халқаро форумлар майдонига айланиб бораётган Самарқандда бир неча бор учрашдик. Бугунги анжуман ҳам юқори савияда ташкил қилинганини барчамиз эътироф этамиз. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонда яқинда ўтказиладиган референдумнинг муваффақиятли ўтишини тилайман ва ушбу сиёсий тадбирда МДҲ кузатувчилар миссияси фаол иштирок этишини билдираман.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия ташқи ишлар вазирлари учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Самарқанд учрашувлари туркумини якунловчи "Марказий Осиё — Россия" шаклидаги мулоқот минтақа давлатлари ва халқлари ўртасидаги ишончли ва ўзаро манфаатли алоқаларнинг долзарб аҳамиятини тасдиқлаётгани таъкидланди.

Учрашувда сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Шу тарзда Самарқанд яна асосий халқаро мулоқот майдони сифатида минтақавий ва глобал масалалар муҳокама этилган йирик форумларга мезбонлик қилди. Унда кўриб чиқилган масалалар минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.**

### Семинар

# ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСЪУЛИЯТИ

*Парламент юқори палатасининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ёшлар парламенти ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари учун семинар ташкил этилди.*

Бундан кўзланган мақсад эса Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Ёшлар парламенти ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий лойиҳа ва дастурларда фаол қатнашишини таъминлаш, уларни тўғри ҳамда самарали молиялаштиришга ўргатишдан иборат эди.

Семинарда сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи масъуллари ҳамда унинг ҳудудий Кенгаш раислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Таъкидланганидек, жамоат фонди томонидан 2022 йил давомида муайян ишлар бажарилган. Хусусан, 2022 йилда фуқаролик жамияти институтлари дастур ва лойиҳаларига 97 млрд. 755 млн. сўм миқдорида давлат грантлари, ижтимоий буюртма ва субсидиялар ажратилган.

Йил давомида 36 та йирик жамоат ташкилотининг, шу жумладан, 14 та миллий маданият марказининг устав фаолияти ва йиллик иш режаси ижро этилиши учун 71 млрд. 755 млн. сўм йўналтирилган.

Таълим, маданият, тиббиёт, экология, кадастр, қурилиш, коммунал хўжалиги ва бандлик каби соҳалардаги давлат органларининг 14 млрд. сўмлик 17 та ижтимоий буюртмасига танлов эълон қилинган.

Танловда ғолиб деб топилган 15 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига 13 млрд. 200 млн. сўм йўналтирилган.

2022 йил давомида 160 давлат гранти шаклида молиялаштириш учун 12 млрд. сўм тақсимланган.

Маҳаллаларда маънавий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган давлат гранти бўйича 5 та танловдан 4 таси ўтказилган. Натижада ижтимоий аҳамиятга эга 132 та лойиҳа 10 млрд. сўмга молиялаштирилган.

Ўтказилган танловларга жами 876 та ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 931 та лойиҳа қабул қилинган.

Семинар давомида жамоат фонди вакиллари томонидан ННТлар раҳбарлари учун давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ҳамда давлат гранти тайёрлаш ва амалга оширишдаги асосий талаблар, шунингдек, бу борада 2023 йилдаги режалар бўйича атрофлича маълумот берилди.

Якунда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги устувор йўналишлари белгилаб олинди. Шу билан бирга, Ёшлар парламентининг ҳам ижтимоий лойиҳалар ва грантларда иштирок этиш имкониятлари юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# МАКТАБЛАРДА ОНА ТИЛИ ФАНИ ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Бухоро вилоятидаги умумтаълим мактабларида она тили фани ўқитилиши сифатини яхшилаш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида бажарилаётган ишлар юзасидан ўрганишлар ўтказилмоқда.*

### Ўрганиш

Шу мақсадда ишчи гуруҳ аъзолари Бухоро шаҳридаги 30-умумтаълим мактаби ҳамда 29-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида, Олот туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида бўлди. Улар бевосита дарс жараёнларида иштирок этиб, фан ўқитувчиларининг маҳорати, педагогик салоҳияти ва ўқувчиларнинг она тили фанига бўлган қизиқишлари, билим ва кўникмалари қай даражада эканлигига эътибор қаратди.

Шундан сўнг мактаб кутубхонасида бадиий китоблар ва она тили фанига алоқадор ўқув адабиётларининг мавжудлиги ҳолати билан танишилди.

Мазкур таълим масканларида ўқитувчилар билан яқиндан мулоқотлар ташкил этилиб, уларнинг она тили фани ўқитилиши сифатини янада ошириш борасидаги таклифлари ўрганилди. Ишчи гуруҳи таркибида бўлган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессорлари томонидан фан ўқитувчиларининг педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида маҳорат дарслари ҳам уюштирилди.

Ўрганиш жараёнида таълим муассасаси масъуллари ва ўқитувчиларига она тили дарслари самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор тавсиялар берилди.

Ўрганишлар давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЁТ ҚАДРИ — ХОТИРЖАМЛИКДА

*Фарғона водийси деганда, кўз олдимизда пурвиқор тоғлар, равон йўллар, танти ва меҳмондўстлиги билан ном қозонган истараси иссиқ инсонлару тўрт фаслда ҳам барчага завқ улашувчи табиат манзаралари намоён бўлади.*

*Гўзал Фарғона истиқлол йилларида тамомила янгича қиёфа касб этди. Вилоятнинг муаззам тарихий обидалари, кўркам, замонавий осмонўпар бинолари, инсонийликдан сабоқ берувчи урф-одат ҳамда анъаналари хорижликларнинг ҳам муҳаббатига сазовор бўлиб келмоқда.*

### Мушоҳада

Бугун Фарғона кўчаларини кезар экансиз, дилингизни муаттар туйғу, ҳаяжон эгаллайди, бу заминнинг "Водий гавҳари" дейилиши нақадар ҳақиқат эканлигига яна бир ишонч ҳосил қиласиз.

Мана шу ободлик ва тараққиётнинг бардавомлигини таъминлаш, гўзал ва бетакрор заминни, унинг тинчлик ва осойишталигини кўз қорачиғидай асраш ички ишлар органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида мутлақо янги механизм ва тартиблар жорий этилди. Халқ манфаатларига хизмат қилиш тамойили асосида олиб борилаётган мазкур ишлар амалиётда ўзини тўла оқламоқда.

Буни Фарғона вилоятида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда жиноятларни жиловлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ўзаро узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги тадбирларда дастуриламал бўлмоқда.

Вилоятда тинчлик, барқарорликни таъминлаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоллари билан ҳамкорликда маҳаллабай, хонадонбай, оилабай ва фуқаробай ишлаш тизими асосида ижтимоий профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш ички ишлар органлари раҳбарларининг биринчи галдаги вазифаси, "Инсон қадри учун" деган эзгу тамойил ҳар бир раҳбар ва ходим фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди.

Бугунги кунда вилоятда бевосита вилоят ИИБ бошлиғи 3-сектор раҳбари сифатида асосий эътиборни инсон қадри ва манфаатларини таъминлашга қаратиб келаётгани аҳолини хурсанд қилаётир. Масалан, "темир дафтар"га киритилган оиланинг 98 фоизига амалий ёрдам кўрсатилиб, рўйхатдан чиқарилди. Рўйхатдаги 15 минг 863 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг 92 фоизига амалий, қолган қисмига манзилли ёрдам берилди.

"Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар олти тоифага ажратилиб, манзилли иш ташкил этилди ва ўтган йил давомида уларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилди.

Сектор раҳбарларининг ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами яшайдиган 3 та кўп қаватли уй ҳамда 124 та якка тартибдаги хонадон таъмирлаб берилди. Аҳолини даромадли иш билан таъминлаш мақсадида фуқароларга субсидия асосида меҳнат қуроллари берилмоқда. Касбий кўникмага эга бўлмаган аҳоли қатлами касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

Навқирон авлод ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида "Беш ташаббус олимпиадаси" дастури доирасида 3-сектор ҳудудидаги маҳаллаларда 122 та воркаут майдончаси очилди. Ўтказилаётган турли спорт мусобақалари йигит-қизларни жисмонан чиниқтириб, уларнинг иродасини тобламоқда.

Сектор раҳбарлари томонидан 20 та мактаб оталиққа олиниб, улар китоблар, спорт анжомлари, компьютер жамламалари билан таъминланмоқда.

Бу каби саъй-ҳаракатлар — халқ билан ҳамнафаслик, муаммоларни манзилли ўрганиш ва ҳал этиш ўз-ўзидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар салмоғининг камайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, ўтган вақт мобайнида 3-сектор кесимидаги 10 та шаҳар-туман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича "сариқ ҳудуд"дан "яшил ҳудуд"га ўтишига эришилди. Бу борада Фарғона вилояти республика бўйича 3-секторлар орасидаги рейтингда йил якуни бўйича 1-ўринни қайд этди.

Шунингдек, ижтимоий профилактик тадбирлар доирасида 2022 йилда Фарғона вилояти ИИБ соҳавий хизматлари ҳамда ҳудудий бошқарма ва бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими самарадорлиги оширилди.

Фуқароларнинг эътирозлари ва мурожаатларига сабаб бўлаётган омилларни жойида бартараф қилиш, аҳоли билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида вилоят, шаҳар-туман ИИБ раҳбарлари томонидан сайёр қабул ва учрашувлар ўтказилмоқда. Вилоят ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг 25 минг 264 та мурожаати кўриб чиқилиб, уларнинг 15 минг 443 таси ижобий ҳал этилди.

Бевосита ҳудудларда жиноятларнинг олдини олиш мақсадида барча "қизил" ва "сариқ" тоифадаги маҳаллаларга шаҳар-туман ҳокимлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, энг оғир бўлган 10 тасига эса вилоят даражасидаги раҳбарлар масъул этиб бириктирилди.

Ҳар бир жиноятни сектор раҳбарлари иштирокида кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш тизимли йўлга қўйилган. Бу эса "Жиноят ҳақиқати ва адолати", деган тамойил асосида фуқароларни, айниқса, ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка чақириб, профилактик ишлар таъсирчанлигини янада оширмоқда. Жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш мақсадида вилоят миқёсида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда "Хавфсиз ҳудуд", "Зарбдор ойлик", "Тиғ", "Давомат", "Ўсмир" ва бошқа тезкор-профилактик тадбирлар уюштирилмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида бевосита ички ишлар органлари ходимларининг ташаббуси билан турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ҳамда маданий тадбирлар ўтказиляпти. Ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган ёшларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, уларга шаҳар-туман ИИБ раҳбарларининг алоҳида буйруқлари билан профилактика инспекторлари бириктирилган ва тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Тизимда амалга оширилаётган ва ютуқларга муҳим омил бўлаётган яна бир жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз. Кейинги йилларда бевосита ҳукуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Фарғона вилоятида ҳам ходимлар фаолияти учун шарт-шароитлар яратишга эътибор берилиб, Фурқат тумани ички ишлар бўлими ҳамда 1-минтақавий ҳудуд тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ходимлари учун Сўх туманида замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ёки Фарғона вилояти ички ишлар органларининг турли соҳавий хизматларида ишлаётган 30 нафар ходимга ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олишлари учун 25 фоиз миқдоридаги дастлабки бадал тўловлари ажратилгани ҳам фикримизнинг ёрқин мисолидир. Уйсиз, ижарада яшаб юрган ва ушбу қўллаб-қувватлов туфайли кичик ватанига эга бўлган ходимлар ҳозирда халқимизга янада садоқат билан хизмат қилишга интилмоқда. Айни пайтда ижарада яшаётган 153 нафар соҳа ходимининг ижара тўловлари компенсация тарзида давлат томонидан тўлаб берилаётгани ҳам ушбу қўллаб-қувватловнинг яна бир мисолидир.

Шунингдек, бугунги кунда профилактика инспекторлари ўзлари хизмат олиб бораётган маҳаллаларда барпо этилган хизмат уйларида оила-аъзолари билан истиқомат қилмоқда.

Ҳар бир хизмат йўналиши ва ходимга индивидуал муносабат билдириш мақсадида соҳавий хизматлар кесимида ходимбай рейтинг тизими жорий этилгани соғлом рақобат муҳитини яратди.

Жиноятларни жиловлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш борасида тизимли иш йўлга қўйилганлиги, ишсизлар, низоли оилалар, жиноят содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаб, тезкор таъсир чоралари кўрилганлиги ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2022 йил якуни бўйича рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, умумий жиноятлар салмоғи аввалги йилдагига нисбатан 23,7 фоиз, олдини олиш имкони мавжуд бўлган жиноятлар 32,9 фоиз камайишига эришилди. Жумладан, вилоятнинг барча шаҳар-туманларида қайд этилган жиноятлар 8 фоиздан 35 фоизгача камайиши кузатилди. Эътиборлиси, 114 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир қилинишига йўл қўйилмасдан, йил давомида ушбу маҳаллаларнинг "яшил ҳудуд" тоифаси сақлаб қолинди.

Албатта, бу ижобий натижалар замирида вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг ишни тўғри ташкил этаётгани, чекка ҳудудларда хизмат қилаётган профилактика инспекторларидан тортиб, барча соҳавий хизматларнинг ҳамкорликдаги заҳматли меҳнати, изланишлари ётибди.

...Ҳар тонг қуёшнинг заррин нурларини тинчлик ва хотиржамликда кутиб оларкансиз, шарафли касб эгалари беихтиёр кўз олдингизда гавдаланади. Ушбу соҳа вакилларига ҳар куни ишга бораётганингиз ёки бошқа юмуш билан кўчага отланаётганингизда ва қайтаётганингизда кўзингиз тушади. Фарзандларингиз кўча-кўйда, жамоат жойларида ҳадик-хавотирсиз ўйнаб-кулишида ҳам уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Шулар ҳақида ўйлар экансиз, қалбингизда мана шундай гўзал ва тинч маконда яшаётганингиз учун шукроналик туйғулари жўш уради...

Фарғонанинг гўзал ва озода, кун сайин кўркамлашиб бораётган кўчаларини кезаркансиз, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг қуйидаги мисрасини беихтиёр ёдга оласиз: *"Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал*..." Зотан, тинчлик-осойишталикда ўтган ҳар бир кун кишига гўзал туюлади. Ҳаётнинг қадри — хотиржамликда!

**Абдувосит СИДДИҚОВ, Исмоилжон ШАРИПОВ, журналист.**



1

# СУРХОНДАРЁ «ЖАНУБ ГАВҲАРИ»ГА АЙЛАНАДИ

## Ҳаёт сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар

Янгиланаётган Ўзбекистонда ислоҳотлар кириб бормаган ҳудуд қолмади, десак, муболаға эмас. Мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, ҳаётбахш ўзгаришларнинг, қурилишу бунёдкорликларнинг, янгидан-янги ишлаб чиқариш муассасалари очилаётганининг гувоҳи бўласиз. Энг муҳими, одамларнинг кайфиятида, дунёқарашида янгиланиш кечаётгани, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, ҳаётга муносабат ўзгаргани, эртанги кунга ишонч янада мустаҳкамлангани яққол сезилади.

Сурхондарёда ҳам кейинги йилларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Вилоятнинг асосий драйверларидан бири бўлган аграр тармоқ қаторида саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ҳам изчил ривожланиб, янгидан-янги иш ўринлари яратилаётир. Замонавий шароитларга эга маиший объектлар, таълим, маданият, савдо иншоотлари, осмонўпар тураржой бинолари қад ростлаб, аҳолининг турмуш даражаси юксалмоқда.

Жумладан, охирги беш йилда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 15 мингдан зиёд корхоналар ишга туширилди. Бу билан минглаб инсонлар ўз иш жойига, даромад манбаига эга бўлди, қанчадан-қанча оилаларга фаровонлик, қувонч кириб борди.

“Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” микрогидроэлектр станциялари қурилгани ҳам вилоят ҳаётининг янада нурафшон бўлишига ҳисса қўшаётир. Ушбу иншоотларда йилига 201 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарилмоқда.

Янги бунёд этилаётган мактаблар, очилаётган боғчалар ҳудуд кўркига кўрк бағишлаб, одамларнинг турмуши тўкислигига хизмат қилмоқда. Хусусан, вилоятда мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш кўрсаткичи 18 фоиздан 62 фоизга етганининг ўзи кўп нарсани англатади. Бу қанчадан-қанча мурғак қалбларнинг мактаб аталмиш ҳаётининг янги босқичига пухта ҳозирлик кўришига, оналарнинг бўш вақти пайдо бўлиши ва ҳордиқ чиқариши, таълим олиши ёки юртимиз равнақи учун эмин-эркин ишлашига имкон яратмоқда. Оилалардаги тинчлик-хотиржамлик, фаровонликка замин бўлмоқда.

Ҳудудда 302 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани, 1 минг километр халқаро ва 3 минг километр ички йўллар таъмирлангани одамларимиз турмуш даражаси янги сифат босқичига кўтарилаётганидан далолат.

## Бандликни таъминлаш — фаровонлик омили

Жамиятда инсон юксалиши, ўзи, оиласи ва эл-юрт фаровонлигида у ёки бу фаолият билан банд бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масала ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, Президентимиз иштирокида Термиз шаҳрида ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки вилоятда бугунги кунда 102 минг расмий ишсиз бор. Шу сабабли, аҳолини ишли қилиш йўлида бир қатор лойиҳалар, уларнинг манбалари белгилаб берилди.

Чунончи, вилоятда 1 июлгача оилавий тадбиркорлик дастурлари учун берилган 1,1 триллион сўмга қўшимча 200 миллиард сўм ажратиладиган бўлди. Шунингдек, жорий йилда маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик ривожлантирилиши натижасида 31 минг, касаначиликда салоҳияти бор 212 та маҳаллада меҳнат қуроллари ва жой масаласи ҳал қилиниб, 31 минг, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш воситасида 4 минг, янги касбларга ўқитиш, ўзини-ўзи банд қилиш орқали 20 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Одамларни ишли қилишда янги очилаётган корхоналарнинг ўрни катта. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 2016 йили 25 минг 674 корхона фаолият юритган бўлса, ўтган йил якунига келиб уларнинг сони қарийб икки бараварга, яъни 46 минг 250 тадан ошди. Сурхондарёда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, электр техникаси каби ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари пайдо бўлди. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизматлар кўрсатиш каби соҳаларда юқори ўсиш суръатлари яққол кўринди.

Вилоятда ҳали фойдаланилмаган конлар ва имкониятлар кўп. Жорий йилда 292 та саноат лойиҳаси ишга туширилиши белгиланди. Бу 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради. Ҳудудда импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосий масалалардан бири саналади. Ўз ўрнида, импортнинг қисқариши маҳаллий корхоналарни жонлантириб, экспортни рағбатлантиради.

Йиғилишда айни жиҳат ҳисобга олиниб, импортни қисқартириш ва экспортни камида 250 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

## Янги қувватлар — тараққиётга қанот

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятда янги ишлаб чиқариш қувватлари билан танишди. Улардан бири — Термиз туманининг Янгиобод маҳалласидаги “Termez National Carpets” масъулияти чекланган жамияти.

Корхона бугунги давр андозаларига мос суръат ва сийрат касб этган, бу ерда ишчанлик муҳити юқори, технологиялар, ускуналар мутлақо замонавий. Улар Германия, Бельгия, Туркия каби ривожланган давлатлардан келтирилган.

Йилига 2,2 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотларининг қарийб ярмини экспортга чиқариш режалаштирилган. Корхона ишга туширилган қисқа вақтда Озарбайжон ва Қирғизистонга 255 минг долларлик гилам ва гилам маҳсулотлари экспорт қилингани унинг қанчалик харидоргирлигини, сифатини, экспортбоплигини намоён этади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу корхонага ташрифи вилоят аҳли учун яна бир қувончли воқелик билан аҳамиятли бўлди. Гап шундаки, шу ерда 6 та янги ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш маросими бўлди. Президентимиз рамзий тугмани босиб, Термиз шаҳридаги “Indenim Cluster”, Жарқўрғон туманидаги “Фабулло строй сервис”, Ангор туманидаги “Ангор Барака”, Термиз туманидаги “Termiz agro impeks” корхоналари, Сариосиё туманидаги қурилиш материаллари кичик саноат зонаси ва Тўполанг гидроэлектр станциясини ишга туширди.

Мазкур янги қувватлар вилоят иқтисодиётини кўтаришда алоҳида ўринга эга. Масалан, “Indenim Cluster” масъулияти чекланган жамиятида пахта толасидан тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилса, “Фабулло строй сервис” корхонасида йилига 75 минг куб метр автоклав газоблок тайёрланади.

Умуман, мазкур олтита корхона вилоят ишлаб чиқаришига 370 миллиард сўм, экспортига 20 миллион доллар қўшади. Ушбу қувватларнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ҳиссаси ҳам ғоят салмоқли. Улар 2 мингта янги иш ўрни яратади.

## Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш зарур

Бугун мамлакатимизда энергетика масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мақсад — энергия тақчиллигига йўл қўймаслик, халқнинг розилигига эришиш.

Мазкур соҳани тараққий эттириш юртимизнинг жанубий ҳудудларида ниҳоятда истиқболли. Чунончи, Сурхондарё — серқуёш замин. Офтоб деярли йил давомида заррин нурларини аямай, сочиб туради. Қолаверса, оқар сув етарли. Ушбу табиий манбалар қайта тикланувчи энергетика қувватларини яратиш имконини беради.

Шу мақсадда ҳудудда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Сариосиё туманидаги Тўполанг гидроэлектр станцияси ҳамда янги 3 та кичик ва микро ГЭСда шу йилнинг ўзида 350 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шеробод туманида 457 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатиш бўйича режалар қилинган.

Юртимизда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Албатта, инсон ўзининг Ватан ичра кичик ватанига эга бўлса, қалби бахтга тўлади. Унинг кўнглида ҳаловат, ишида унум бўлади. Шу боис барча вилоятда бўлгани каби Сурхондарёда ҳам аҳоли учун тураржой бинолари қуриш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Биргина ўтган йили вилоят миқёсида 3 минг 390 хонадонли 92 та уй-жой бунёд қилинди. Бу орқали қанчадан-қанча оилалар орзиқиб кутган бахтиёрликка эришди.

Сурхондарёнинг иқлими деҳқончилик учун жуда қулай, сув мўл, тупроқ унумдор. Ҳамал эрта бўлгани учун деҳқончилик маҳсулотлари тез етилади. Шу боис вилоятда сўнгги беш йилда мева-сабзавот, асосий экин майдонлари 2,5 баравар кўпайтирилган.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмасига мувофиқ, бу йил аҳоли учун яна 8 минг 500 гектар ер ажратилмоқда. Деҳқонларга шароит яратиб, сув таъминотини яхшилаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 2 баравар ошириш ва экспортни 250 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

## Тоза сув ва равон йўл — аҳолининг энг муҳим талаби

Сурхондарёликларни тоза ичимлик суви масаласи узоқ йиллар давомида қийнаб келади. Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳри ва Термиз туманидаги 100 мингдан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун Сабзипоя маҳалласидан топилган сув қудуқларини ишга тушириш, шунингдек, воҳа туманларидаги 495 та маҳаллада 1 миллион 700 минг истеъмолчининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида Тўполанг сув омбори сувидан фойдаланиб, сув тақсимлаш, сув тозалаш, сув қувурлари ўтказиш ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берган эди.

Айни пайтда ҳар иккала объектда ҳам қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Тўполанг сув омбори сувидан фойдаланиш учун қиймати 138 миллион долларлик лойиҳа доирасида 158,2 километр магистраль, 227,9 километр ички тармоқ ичимлик суви қувурларини барпо этиш режалаштирилган. Қисқа вақтда қурувчилар қарийб 100 километр масофага сув тармоғини тортди. Сабзипоя сув тармоғининг биринчи босқичи эса жорий йилда фойдаланишга топширилади.

Айни пайтда Термиз тумани аҳолисининг 64 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Янги лойиҳанинг ишга туширилиши аҳолини тоза сув билан таъминлаш даражасини тубдан ошириб, энг долзарб муаммосини бартараф этади.

Президентимиз ғояси билан Сабзипояда аниқланган обиҳаёт захираси аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида буйрак, жигар каби ички организмлар билан боғлиқ касалликларга чалинишининг ҳам олдини олади. Кейинги йилларда инсон манфаатини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлашга, ёш авлоднинг соғлом камолга етишига кўмаклашади.

Президентимиз Сурхондарёга ташрифи чоғида халқ манфаати учун ҳамма нарсага тайёрлигини яна бир бор амалда исботлади. Боиси давлатимиз раҳбарининг ўзи автомобиль рулига ўтириб, Бойсун — Денов катта йўлининг сифатини шахсий назоратдан ўтказгани шу заҳотиёқ ҳамма ёқда яна шов-шувларга сабаб бўлди. Демак, буни Президентимиз бутун



**Авазжон МАРАҲИМОВ,
Термиз давлат университети ректори, профессор.**

жамият дардини сезиб турғани, аҳоли муаммосини ўзининг муаммоси деб билгани, инсон қадрини таъминлаш учун ўзи ҳам дам олмаслиги, ҳокиму вазирларни ҳам тинч қўймаслиги билан таърифлаш ўринли бўларди. Чунки ўнқир-чўнқир йўллар нафақат Сурхондарёда, балки Тошкентда ҳам, пойтахтга яқин ва ундан олис вилоятларда ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Энди мутасаддилар равон йўллар яратишга астойдил киришишига умид уйғонди. Зеро, уларнинг фаолиятини Президентнинг ўзи қатъий назоратга олган.

## Нажот — таълимда

Кўзда тутилган лойиҳалар ва мўлжалланган режаларнинг тўла-тўкис рўёби, шубҳасиз, малакали кадрларга боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

2017 йилга қадар Сурхондарё вилоятида бор-йўғи 1 та, яъни Термиз давлат университети мавжуд бўлиб, 6-7 минг атрофида талаба таҳсил олар эди. Қабул квотасининг камлиги, битта олий ўқув юрти эҳтиёжни тўла қамраб ололмаслиги сабабли кўплаб ёшларимиз бошқа шаҳарларга йўл олишган. Воҳа зиёлилари, минглаб ота-оналар Сурхондарёда ҳам олий ўқув юртлари очилишини орзу қилишар эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қисқа муддатда бир қатор ОТМлар ташкил этилди. Айни пайтда воҳада фаолият кўрсатаётган 6 та олий ўқув юртида жами 50 мингга яқин талабалар таҳсил олмоқда. Бунинг ўзиёқ қамров 8 баробар ошганлигини кўрсатади.

Сурхондарёда ҳам ёшларни ўз касбининг устаси бўлган етук мутахассис қилиб тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, воҳанинг етакчи олий ўқув даргоҳи саналган, 26 мингдан зиёд талабалар таҳсил олаётган Термиз давлат университетида таълим сифатини ошириш, бу ерда қўлга киритилаётган илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш билан интеграциялашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Натижада университетда илмий даражага эга педагог ходимлар сони муттасил кенгайиб бормоқда. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. 2022 йилнинг ўзида университетда 73 та диссертация ҳимояси ташкил этилди.

Университет инфрастуруктураси тубдан такомиллаштирилмоқда. Хусусан, 10 дан ортиқ замонавий ўқув-илмий лабораториялар яратилди. 2022 йилда 1850 ўринли янги Ахборот технологиялари ўқув биноси қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, бу йилнинг ўзида 4 та — 450 ўринли замонавий Илмий-инновацион тадқиқот маркази, Технопарк, 700 ўринли талабалар тураржойи ва ёпиқ спорт мажмуаси университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тикланмоқда.

Университет маблағи ҳисобидан 15 та илмий-инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020 йил бошидан ҳозирга қадар 10 та ихтисосликни ўз ичига олган илмий даражалар берувчи 5 та илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Сўнгги икки йилда 13 нафар фан доктори (DSc) ва 138 нафар фалсафа доктори (PhD) тайёрланиб, илмий салоҳият 21 фоиздан 27 фоизга ошириилшига эришилди.

Талабалар билан ишлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги икки йилда университет талабаларидан 3 нафари Президент, 4 нафари Улуғбек, 2 нафари Ислом Каримов, 2 нафари Беруний ва 19 нафари Навоий стипендияси соҳиблари бўлишди. 2022-2023 йиллар давомида талабаларимиз спорт турлари бўйича жами 77 та медални — шундан 13 таси халқаро (5 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза), 64 таси эса республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда (18 та олтин, 21 та кумуш, 5 та бронза) қўлга киритди.

Олийгоҳда “Устоз — шогирд” тизими самарали йўлга қўйилган. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб 25 та педагогик таълим йўналиши бўйича Термиз шаҳар ва 14 та туман мактаби ўқитувчилари, 8 та таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилотлари мутахассислари мазкур тизим асосида 4-курс талабаларига мураббийлик қилиб келмоқда.

“Термиз давлат университетида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тўғрисида” академик қоидалар, талабалар мустақил таълимини кредит-модуль тизими асосида назорат қилиш ва баҳолаш Низоми қабул қилинган.

Ахборот-ресурс маркази фонди мунтазам равишда бадиий ва илмий адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Бугунги кунда зиё маскани фонди 182 минг донага етди. Шунингдек, марказнинг 31 324 та электрон ресурс базаси “lib.tersu.uz”да жойлаштирилган бўлиб, мазкур йилдан бошлаб, “Pro-Quest” — Халқаро диссертациялар базасидан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу ишлар ёшларга илм-фан чўққилари сари илдам одимлашга кенг қулайликлар яратмоқда.

Сурхондарёда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар вилоятни яқин келажакда иқтисодиёти ривожланган, камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришига шубҳа йўқ. Зеро, жануб қуёшидай меҳри иссиқ, бағрикенг ва меҳнатсевар сурхондарёликлар яхши яшашга, фаровон турмуш кечиришга барча қатори ҳақли. Энг муҳими, уларда бунга имконият, қобилият, зеҳн ва билим, қолаверса, иштиёқ ва интилиш жуда кучли. Зотан, иштиёқи зўр, интилиши юксак халқнинг истиқболи порлоқдир.



# ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

*Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг кўплаб соҳа ва йўналишлардаги халқаро рейтинг кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Халқаро экспертлар иштироки, кенг ҳамда очиқ муҳокамалар асосида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва унинг умумхалқ референдуми воситаси ҳамда даражасида ҳал этилаётгани ҳам бу борада қўйилган улкан қадамлардан биридир.*

**Фикр**

Айни шу ҳолатни бугунги кунда таълим соҳасида ҳам яққол кузатиш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ўқувчиларга сифатли таълим бериш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таълим тизимини янада ривожлантириш масаласи Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. 2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур қабул қилинди, Халқ таълимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгаш ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Энг муҳими, кейинги йилларда жамиятда ўқитувчининг ўрни ва обрўсини кўтариш, уларнинг ўз касбий фаолияти билан тўлиқ шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сир эмас, бундан ўн — ўн беш йиллар олдин ўқитувчи жойлардаги маҳалла ёхуд маҳаллий ҳокимиятларнинг дастёрига айланиб қолган, қандай тадбир бўлмасин улар албатта чақирилар, ҳатто кўча супуриш, ўт-ўлан териш, ободонлаштиришгача бўлган ишларга ҳам жалб қилинарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мажбурий меҳнатнинг барча турига барҳам берилди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Яқинда Президентимиз “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонунни имзолади.

Унга кўра, педагог ходимни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш бўйича маъмурий ва жиноий жавобгарликлар кучайтирилмоқда. Жумладан, бирор шахс агар умумий ҳолатда мажбурий меҳнатга жалб этилса, уни жалб қилган томонга 30 миллион сўмгача (100 баравар) жарима солинади. Педагогларни мажбурий меҳнатга йўналтириш эса эндиликда 45 миллион сўмгача (150 баравар) жарима билан жазоланиши мумкин.

Жиноят кодексида педагогларга қарши ҳаракат учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди ва жазо кучайтирилди. Яъни педагог ходимни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, агар худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 45 миллион сўмдан 60 миллион сўмгача жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланди.

Шунингдек, таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун ҳам маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Эндиликда бу қилмиш учун фуқароларга 2,1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга эса 3 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача жарима белгиланмоқда.

Эътиборли жиҳати, илгари педагогнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш учун фақат жарима жазоси белгиланганди. Эндиликда ушбу қилмишни такроран содир этган мансабдор шахсларга 15 суткагача маъмурий қамоқ белгиланиши мумкин.

Умуман, мазкур қонунни жамиятда педагогларнинг нуфузи ҳамда обрўсини ошириш йўлидаги навбатдаги муҳим тарихий қадам сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, ҳужжатда белгиланаётган жазо чораларининг кучайтирилаётгани, ўз навбатида, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, педагогларнинг ўз хизмат вазифаларини эмин-эркин бажариши, пировардида, таълим сифатининг ошиши, ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузи ва обрў-эътибори юксалишига хизмат қилади.

**Севара МАҲМУДОВА,
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби директори.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6